

Пайгамбарлар Аллохнинг ердаги элчиларидир. Аллох таоло бандалар ичидан пайгамбарлар танлаб, улар оркали бандаларни имонга, хидоятга чорлаган. 124000 пайгамбар юборилган бўлиб, улардан 313 нафари расул (китоб ёки сахифа тушган), колганлари набий — китобсиз пайгамбарлардир.

Куръони каримда 25 пайгамбар номи зикр этилган. Уларнинг биринчиси Одам (алайхиссалом) бўлса, сўнггиси Мухаммад пайгамбаримиздир (алайхиссалом). Бу пайгамбарлар ичида бадий адабиётда Нух (алайхиссалом), Яъқуб (алайхиссалом), Юсуф (алайхиссалом), Сулаймон (алайхиссалом), Исо (алайхиссалом) тимсоллари кўп учрайди.

Нух (алайхиссалом) зикри 43 оятда келган. У ҳаққаги киссалар Аъроф, Худ, Муминун, Шуаро, Камар сураларида учрайди. Куръоннинг бир сураси «Нух» номини олган. Нух (алайхиссалом) 480 ёшида пайгамбар бўлади. 120 йил кавмини динга даъват қилган. 600 ёшида кемага минади. Тўфондан сўнг 350 йил умр кўриб, 950 йил яшаган. Анкабут сурасининг 14-оятда: «Нух уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди», дейилади.

Куръони каримда Нух пайгамбар зикр этилган оятларга таяниб, XIV аср адиби Рабгўзий «Киссаси Рабгўзий» китобида Нух пайгамбар ҳақларида ёзган.

Одамлар бутларга, санамларга сигинаётган вақтда Аллох уларни хидоят йўлига бошлаш учун, Нухни (алайхиссалом) пайгамбар қилиб юборади. Нух сурасининг 1-оятда шундай дейилган: «Биз Нухни ўз кавмига, кавмини уларга азоб қелишидан аввал огохлантиргин, деб пайгамбар қилиб юбордик».

Нух (алайхиссалом) кавмини имонга, хидоятга даъват қилади. Аммо улар бу даъватларга юрмадилар, уни мазах қилдилар. Оқибат, Аллох амрига кўра, Нух (алайхиссалом) кема ясаб, кемага ҳар жонзотдан бир жуфтдан олиб, бошқа томонга сузиб кетади. Хидоятга юрмаган кавм эса тўфон балосига учраб, гарк бўлади.

Бу воқеалар Рабгўзий киссасида ҳам аксини топган. Айрим мисолларни кўрайлик. Худ сурасининг 38-оятда кема ясаётган Нухга (алайхиссалом) кавмидаги одамлар муносабати бундай тасвирланган: «У кема ясамоқда. ўз кавмидан бўлган зодагоилар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар».

Худди шу воқеа Рабгўзий киссасида бундай акс этган: «Жаброил Нухга таълим берди. Йигочни ёргу бирла ёрдилар, сув узра ўрдак юргани кўргузу берди. Анга ўхшаш кети йўна бошладилар. Кофирлар ани кўруб қулар эрдилар».

Куръонда Нух (алайхиссалом) ўғилларининг исмлари берилмаган. Факат бир ўгли ота амрига юрмай, кемага чиқмайди ва гарк бўлади. Худ сурасининг 42, 43-оятларида бундай маълумотлар бор: «Эй ўғлим, биз билан бирга мингнн, кофирлар билан бирга бўлмагин»,

деди. У (ўғил): «Токка жойлашиб олсам, мени сувдан саклайди», деди. У эса: «Бугун Аллохнинг амридан сакловчи йўқдир. Магар кимнн рахм килсагина (сакяар), деди. Шунда ораларини тўлкин тўсди ва у (ўғил) гарк бўлганлардан бўлди».

Рабгўзий киссасида Нух (алайхиссалом) ўғилларининг номлари берилган бўлиб, юкоридаги воқеа куйидагича акс этган: «Нух ўғли Сом ва Хом ва Ёфас ва Канъон ўғли тўрт эрди. Нух айди: «Эй Канъон, мусулмон бўл, кемага киргил, тўфон суви халок килмасин», теди. Канъон айди: «Ман азиз тоғларга сигингаймен. Тог мени сувдин кузазгай», теди. Нух айди: «Бу кун кимэрсени азобдан саклагувчи йўқ Изидин ўзга». Бу сўза эрдилар сув келди. Канъонни халок килгутек бўлди эрса кочди, тоғ тобасига ошди. Сув келди, ошукинга теғди. ўғли бор эрди, ани оёк остин га олиб тебасинга ошди. ўғлон ўлди, ўзи ема гарк бўлди, имонсиз борди».

Кема битгач, Аллох кемага кимларни олиш хакида амр этди. Бу ҳақда Худ сурасининг 40-оятисида бундай дейилган: «Токи Бизнинг амримиз келиб, таннур фаввора отганда: «У (кема)га хар нарсадан бир жуфтдан ва ахлингни ол, магар аввал сўз кетганни (олма) ва имон келтирганларни ҳам ол», дедик. У билан бирга имон келтирганлар жуда оз эди».

Рабгўзий киссасида кемага чикканлар сонини 80 киши эди, деб ёзган: «Нух ул сексан киши мўмин бирла кемага кирди».

Шундай килиб, Рабгўзий хали Куръоннинг таржималари, тафсирилари кам бўлган бир замонда ўзбек китобхонини Нухга (алайхиссалом) боғлик воқеалар билан, имонга, хидоятга юрмаган инсонлар ким бўлишидан катъи назар, Аллох қахрига қандай дучор бўлишларини кўрсатиб, инсонларни имон-эътиқодга чакиради.

Нух пайгамбар ва унинг ўғиллари хақидаги фикрлар фақат бадиий асарлардагина эмас, илмий асарларда ҳам учрайди. Навоий «Муҳокаматул лугатайн» номли китобида тилларнинг пайдо бўлишини Нух пайгамбар ва унинг ўғилларига боғлаб тушунтиради. «Нух пайгамбар уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ва Хом етишур ва бу мужмал тафсили будурки, Нух тўфон ташвиридин нажот ва анинг махлакасининг хаёт топти, олам маъмурасида башар жинсининг осор ва инсон навъидин намудор колмайдур. Ёфасники, таворих ахли Абу-турк битурлар. Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликиннинг васатида волий килди ва Хомники, Абул-хинд дебдурлар. Хиндистон билодиға узатти».

Бадиий адабиётда тасвири энг кўп учрайдиган пайгамбарлардан бири Исодир (алайхиссалом). Бадиий адабиётдаги бу ҳолат бевосита Куръони карим билан боғлиқдир. Куръонда бу пайгамбар номи 24 марта зикр этилган. Бу пайгамбар хақида Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моид, Анъом, Марям, Ахзоб, Шўро, Зухруф, Хадид ва Саф сураларида оятлар келган.

Куръони каримда Исонинг (алайхиссалом) онаси Марям Имрон кизи экани айтилади. Таҳрим сурасининг 12-оятисида бундай баён этилган: «Ва Марям Имрон кизини (мисол келтирди), у фаржини пок саклаган эди, Виз унта ўз рухимиздан пуфладик ва У Раббисининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ килди ва итоаткорлардан бўдди». Аллох уни пайгамбар килиб танлади. Бу ҳақда Оли Имрон сурасининг 45-46-оятларида бундай дейилган: «Фаришталар: «Эй Марям, албатта, Аллох сенга ўзидан (муборак) сўз башоратини бермоқда, унинг исми Масих Исо ибн Марям, бу дунёю охирада обрўли ва якин бандалардандир. У одамларга бешиқда ҳам, қариган чоғида ҳам гапиради ва

солихлардандир», деганларини эсла».

Исога (алайхиссалом) Аллох улуг хислатлар берди. Оли Имрон сурасининг 49-оятда бундай дейилган: «Ва Бани Исроилга пайгамбар килди. У: «Албатта, мен сизга Раббингиздан оят-мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан кушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллохнинг изни билан куш бўлади. Аллох изни билан тугма кур ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сакляяпсиз — хабарини бераман. Агар мўмнн бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир», дейди».

Кўпчилик пайгамбар сўзи билан имон йўлига киради.

Исо (алайхиссалом) кавми хидоятга чакиради. Аммо яхудийларга шунча мўъжизалар кўрсатса-да, унга инонмайдилар. Яхудийлар Исони (алайхиссалом) ўлдирмокчи бўладилар. Аммо Аллох азиз килган бандани банда бадном кила олмайди. Яхудийлар уни ўлдирдик, деб ўйлайдилар. Аслида Исо (алайхиссалом) тирикдир. Бу ҳақда Нисо сурасида бундай оят бор: «Биз Аллохнинг Расули Масих Ийсо ибн Марямни ўлдирдик, деганлари учун (уларни лаънатладик). Холбуки, уни ўлдирмаднлар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақда ихтилофга тушганлар унинг ўлимидан шак-шубхададилар. У тўгрисида уларнинг билимлари йўк, магар гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир».

Бу воқеа жума кунидан шанба кунига ўтар кечаси содир бўлади. Яхудийлар уларни камалга олади. Шунда Исо (алайхиссалом) шерикларига: «Кайсингизга менинг тусим ўтса, ўша одам жаннатда мен билан бирга бўлади», дейдилар.

Бу ишга бир ёш йигит тайёрлигини билдиради. Уни хиёл ёш санадилар, юкоридаги гапни иккинчи, учинчи бор такрорладилар. Хар сафар факат халиги йигит тайёрлигини билдирди. Исо (алайхиссалом): «Сен ўшасан!» дедилар. Аллох таоло у йигитни Исо (алайхиссалом) тусига киритди.

Томнинг шифтидан бир туйнук очилди. Исони (алайхиссалом) мудрок олди. Шу холда осмонга кўгарилдилар. У зот кўтарилганидан кейин, шериклари ташкарига чикишди. Яхудийлар коронгида халиги йигитни Исо деб ўйлаб, ушлаб, осдилар.

Исо (алайхиссалом) киёмат кунигача хали ерга тушади. Одамларни имон ва хидоятга йўллайди. Дажжолни ўлдиради. Исо (алайхиссалом) хакидаги хабарларнинг мухтасар баёни ана шулардан иборат.

Сайфи Сарой Саъдийнинг «Гулистон» асарини туркий тилга эркин таржима килган. Айрим хикоятларни асарга киритган. Улардан бири «Исо мўъжизаси» хикоятидир.

Таржимон Исонинг (алайхиссалом) ўликка жон багишлаши мўъжизасидан фойдаланиб, кўлингдан келмаган ишга уринмагин, деган гоёни олга сурган. Хикоятда айтилишича, бир одам Исо хузурига келиб, ўликни тирилтирувчи дуони ўргатиб кўйишни илтимос килибди. Исо бу таклифни рад этибди. Аммо ўжар инсон Исонинг хол-жонига кўймай, ўша дуони ўргатишни сўрайверибди. Исо унга дуони ўргатибди.

Дуо ўрганган киши хурсанд бўлиб кетаётса, йўлда бир уюм суяк ётган экан. У киши дуони ўкибди. Бу суяклар ўлган шернинг суяклари экан. Оч колган шер дуоғўй кишини еб кўйибди.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида номи шеърларда кўп учрайдиган пайгамбарлардан бири Исодир (алайхиссалом). Шоирлар бу пайгамбарга алокадор мўъжизалардан ўликни тирилгириши, кўкка чикиб кетганидан фойдаланадилар.

Хоразмийнинг «Мухаббатнома» асарида шундай байт бор:

Камук кўрклар узра подшосен,
Масих анфослик, Юсуф ликосен.

Байтнинг мазмуни: Барча гўзаллар ичида сен гўзаллик подшосисен, Масихдек дам урувчи Юсуфга ўхшаш гўзалсен.
Шоир бу байтда талмех санъати, ташбех санъатларини кўллаб, ўзи куйлаётган махбуба гўзаллигини тасвирлашда Куръонда келтирилган Масих, Юсуф пайгамбарлар номидан, фазилатидан фойдаланмоқда.

Хайдар Хоразмий ижодида бундай байт бор:

Химмат элидур Яди байзо деган,
Эр нафасидур Исо деган.

Байтда бу шоир ҳам талмех санъатини кўллаб, Исонинг (алайхиссалом) дами етса, ўликнинг тирилиши мўъжизасидан фойдаланмоқца.
Саккокий ҳам бу масалани — Исонинг дами билан беморнинг тузалиши, ўликнинг тирилишини келтириб, гўзал байт яратган:
Эй Масиходам бегим, бир дам бирла бергил шифо, Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади..
Байтда талмех (Масих), ташбех (масиходам), тазод (бемор-шифо) санъатлари воситасида шоир ёр кўзининг шеваси (истиора) - ноз-карашма билан караши ошкни бемор килгани, Масихга ўхшаган ёр бир дам билан шифо бериши сўралмоқда.
Атойи ва Лутфий Исонинг (алайхиссалом) кўкка чикиб кетишини байтларида келтириб, муболага, хусни таълил санъатлари оркали ёр лабини Исо мўъжизасидан ортик кўядиларки, бу билан келишиб бўлмади. Атойи ёзган:
Огзингда мўъжаз оятин Исо кўриб зиёд,
Биздин кочиб ёшуринди кўк ичра уёттин.
Атойи куйлаётган махбуба огзи шу кадар кудратли эмишки, Исо ўз мўъжизаси бунчалик эмаслигидан уёлиб, кўк ичра яширинган эмиш. Лутфий бундай ёзган:
Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергувчи, Шармандаликдан кетмаса, кўкта анга не бор эрур?
Навой лирикасида ҳам “Исо”, “Масих” номлари кўллаб учрайди:
Чикиб бу дайрдин Исога нечун хамнафас бўлмай, Бихамдиллах, тажарруд бирла химматдин канотим бор.

Дайрдин чикиш учун бу дунёни тарк этмок керак. Дахри дундан баланд кўтарилиш учун хам мустахкам канот керак. Бу ишни килиш учун тажарруд (воз кечиш) ва химмат керак. Демак, Навоий барча нарсадан воз кечиб, химматни канот килиб, Исога хамнафас бўлмокчи.

Бадиий адабиётда тимсоли яратилган пайгамбарлардан бири Сулаймондир (алайхиссалом). У зот Куръони каримда 16 марта зикр килинган. У ҳақда Бакара, Нисо, Анъом, Анбиё, Намл, Сабаъ, Сод сураларида оятлар мавжуд. Аллох бу пайгамбарга хам пайгамбарлик, хам подшоҳлик берган. Унга шамолни, девларни, инс-жинсларни бўйсундирган, жонзотлар тилини билдирган.

Юкорида тилга олинган суралардаги оятлар асосида бадиий адабиётда турли хикоялар яратилган. Намл сурасининг 78-оятда шундай дейилган: «Ва Довуд билан Сулаймоннинг экинзор хакида хукм килаётганларини (эсла). ўшанда у (экинзор)га кавмнинг кўйи кечаси таркалиб кетган эди. Биз уларнинг хукмига шохид бўлган эдик». Ушбу оятда зикр этилган Довуд хамда Сулаймоннинг (алайхимуссалом) экинзор хакидаги хукмлари тафсирчи уламолар ривоят килишларича куйидагича бўлган:

Ўз даврининг пайгамбари ва подшоҳи бўлмиш Довуднинг (алайхиссалом) хузурларига икки киши ораларида хукм чикаришини сўраб келишибди. Улардан бири экинзор сохиби, иккинчиси кўйлар эгаси экан.

Кечаси билан кўйлар экинзорни пайхон килиб, еб битирган эди. Довуд (алайхиссалом) икки томоннинг гапини эшитиб, кўйларни экинзор эгасига берилишига хукм чикардилар. Бу хукмдан кейин кайтиб кетаётган кўй эгалари Сулаймонни (алайхиссалом) кўриб, бўлган ходисани у зотга айтиб берди. Шунда Сулаймон (алайхиссалом) оталари Довуд (алайхиссалом) олдиларига кирдилар ва: «Эй Аллохнинг набийи, хукм сиз чикарган хукмдек бўлмаслиги керак эди», дедилар.

Довуд (алайхиссалом): «Кандай бўлиши керак эди?» дедилар.

Сулаймон (алайхиссалом): «Кўйни экинзор эгасига беринг, у фойдаланиб турсин, экинзорни эса, кўй эгасига беринг, уни тузатиб асл холига келтирсин. Сўнгра хар ким ўз нарсасини кайтариб олади». Шунда Довуд (алайхиссалом): «Хукм сен чикарган хукмдир», дедилар.

Шу воқеага ўхшаш ҳолат «Алпомиш» достонида келтирилган. Бойбўри билан Бойсари муносабати закот масаласида бузилгач, Бойсари Калмок юртига, Кашал элига кўчиб кетади. Чилбар чўлида ўн беш кунлик йўлда эликнинг майсаси бор эди. Бул бойлар ётган Элибой, экинни билмайди. Экинни кўриб: «Калмокнинг ерлари кўнгир, салкин бўлади экан», деб шу майсаларга, экиннинг устига Туркистондан ошган молларини рўпара ёгдириб, бошкариб, экинларни едириб юбора берди.

Калмок юртининг оксоколлари экин ниҳолини кўргани келса, бундай ахвол устидан чикишади. Калмокшоҳга бу ҳақда хабар берадилар. Шох беш юз миргазаб жаллодларни уларни ушлаб келишга жўнатади.

Жаллодлар Бойсари билан суҳбатлашиб, улар экинни билмай егизганини, Бойсари Калмокшоҳни орка килиб, бу ерга келганини айтишади. Шунда шох: «Мени химоя тутиб келган одам бўлса, каторда нори хам ўзиники, нор устида зари хам ўзиники, барча давлат-моли хам ўзиники, бизга даркор эмас, Барчин кизи хам ўзиники. Яйловига Чилбирнинг чўлини бердим, сувловига Ойнанинг кўлини бердим. ...Хар ким мусофир бойларга таадди килса, боши ўлимда, моли таловда, ўз ихтиёрида юра берсин», деди. Бу ечим Довуд (алайхиссалом) хукми сиигари адолатли эди. Аммо масалага Сулаймон (алайхиссалом) аралашгач, хукм янада адолатли қарор топади. Бу усул хам достонда ўз

ифодасини топган.

Гап шундаки, Тойчахон хукми шу билан тугамайди. Оксокол арбоблар бу хукми эшитиб: «Сен бундай беклик килдинг, бу бева-бечоранинг экинини егизиб кўйган, беш кун ўн кундан кейин солиқ, сурсат сўрайсан. Халқда ҳеч нима бўлмаса, одамларнинг кўрпасини соттириб оласанми?» деди. Шунда Калмоқшоҳ туриб айтди: «Хали йил эрта тарик-тармоқ эксанг ҳам овкатлигингни олиб коласан; бу йилги берадиган ҳар нима подшолик чиқимидан ҳам ўтдим», деди. Бу хукмдан Бойсарӣ одамлари ҳам, Калмоқ юрти одамлари ҳам димоғи чоғ бўлди.

Сод сурасининг 18-оятда бундай дейилган: «Токи улар чумолилар водийга келганларида бир чумоли: «Эй чумолилар, масканларингга киринглар, Сулаймон ва унинг аскарлари Сизларни билмасдан эзиб юбормасинлар», деди. Унинг бу гапларш Сулаймон (алайхиссалом) эшитди».

Рабғўзий ана шу ояти каримага таяниб, «Киссаси Рабғўзий» китобида: «Сулаймон каринчка билан сўзлашгани» номли хикоя киритади. Рабғўзий чумолилар подшоҳликнинг отини ҳам беради. Уни Миндир дер эдилар. Рабғўзий Сулаймон (алайхиссалом) ва чумоли суҳбатини диалог кўринишида беради.

Чумоли: «Эмди дастур берсанг, неча масъала савол килайин». Сулаймон айди: «Килгил». Каринчка айди: «Мавлодин не тиладинг?» Сулаймон айди: «Андоғ мулк тиладимким, мандин ўзга ким эрса-да бўлмасун». «Бу сўздин хасад иси келур, манга бўлгун, ўзгаларга бўлмагун. Таки не тиладинг?» Сулаймон айди: «Елни тиладимки, манга мусаххар килди, миниб юрурман, Астахардин Шомга, Шомдин Астохарга бир ойлик ер турур. Кунда борурман ҳам келурман». Каринчка айди: «Маънисӣ ул бўлур: Сенинг илқингдаги мулкнинг камуги ел турур. Ани мингунча маърифат маркабини минсанг, сенга яхшироқ бўлур. Кўз юмуб очгунча бир соатда Аршга теккай эрдинг».

Шу тарзда Сулаймонга (алайхиссалом) Аллоҳ тахт, учар кушлар, узук, дев ва париларни бўйсундиргани айтилади. Рабғўзий киссасидаги чумоли эътирозларидан мурод, барча одамларга ибратдир. Масалан, мулк тилагини олиб кўрайлик. Банда Аллоҳцан бирор нарса сўраганда, факат ўзига эмас, аввал, бошқаларга тилаб, сўнг ўзига тиласа, маъкулдир. Рабғўзий шу тарзда бу суҳбатда одамларга панд-насихат беришга ҳаракат килган.

Сод сурасининг 31-оятда шундай дейилган: «Эсла, бир окшом унга гижинглаб турган учкур отлар кўрсатилди». Сулаймон (алайхиссалом) гоятда гўзал ва учкур отларни кўриб, завқ билан томоша килади. Бу ҳолат бир муддат давом этади. Сўнг Сулаймон (алайхиссалом) сергак тортади. Шу суранинг 32-33-оятларида бу воқеанинг давоми берилган: «У: «Албатта, мен Раббимнинг зикридан кўра дунё ишқига берилиб кетиб, хатто (куёш) парда ила беркитибди-ку! Уларни меиға кайтаринг!» деди. Сўнгра уларнинг оёқ ва бўйинларини «силаё» бошлади».

Кўринадики, Сулаймон (алайхиссалом) дунё молларига берилиб кетганини сезиб, у отларни қурбонлик килиб, сўйиб юборади. Бу ояти карима олимлар томонидан турлича тафсир килинган. Рабғўзий бу ояти карималарга, олимларнинг тафсирларига таяниб, китобига шу воқеага алоқадор хикоя киритган.

Хикояда айтилишича, Сулаймон (алайхиссалом) бир куни Ковон деган жойда отларни кўради. Уларга хаваси келади. Отлар учиб кетадилар. Пайгамбар Ковиш номли девга

Ўша отларни тутиб келишни буюради. Ковиш бу иш унинг кўлидан келмаслиги, уни Самдун номли дев кила олишини айтади. Самдун гтайгамбарга бўйсунмас, ундан кочиб, денгиз остида яшар эди. Ковиш бир хийла билан уни ушлаб келишга рухсат сўрайди. Сулаймон (алайхиссалом) рози бўлади. Халк орасида Сулаймон касал деб хабар таркатадилар. Бир неча кундан сўнг Сулаймон ўлди деб эълон киладилар. Самдун бу хабарни аниклаш учун Ковиш хузурига келганда, юз дев уни ушлаб, Сулаймон хузурига олиб келадилар. Самдун Сулаймондан (алайхиссалом) кечирим сўраб, унга бўйсунди. У отлар сув ичадиган жойга сув эмас, чоғир куйиб, уларни тутиб келтиради. Сулаймон (алайхиссалом) отларга махлиё бўлиб, намоз вақтини ўтказиб юборди. Намозни вақтида ўкиб олиш учун Аллоҳдан кунни боттирмай туришини сўради. Кун ботмай турди, намоз ўқилди. Отлар сўйилди. Бадиий адабиётга кўчган киссалардан бири Билкис киссасидир. Сулаймон (алайхиссалом) ва Сабаъ маликаси Билкис хакидаги кисса Намл сурасида. Бу сурадаги воқеалар асосида Рабгўзий Билкис хикоясини яратган. Адиб Куръон оятлари чизмунига таянган холда Ибн Аббос (розийаллоху анху) тафсирларидан ҳам фойдаланади.

Намл сурасининг 20-оятида бундай дейилган: «Ва кушларни текширди-да: «Нега Худхудни кўрмаётирман ёки гойиблардан бўлдими?» деди». Ояти каримада Сулаймон (алайхиссалом) лашкарларини текшириб, Худхуднинг йўқлигини пайкаган. Рабгўзий киссасида эса кушлар Сулаймон (алайхиссалом) бошига соя қилиб туриши, унинг тахтига ёруглик тушгандан сўнг Худхуднинг йўқлигини пайкагани айтилган.

Намл сурасининг 21-оятида бундай дейилган: «Албатта, уни шиддатли азоб-ла азобларман ёки сўйиб юборурман ёхуд менга, албатта, очик-ойдин хужжат келтиражак». Рабгўзий киссасида оят мазмуни айнан келтирилган.

Суранинг 22-оятида бундай дейилган: «Кўп ўтмасдан у келиб: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим».

Рабгўзий киссасида эса Худхуднинг сафдан кетиб қолиш сабаби айтилган. Сулаймон сафар чоғида сувга мухтож бўлади. Худхуд сув истаб хавога кўтарилади. У тош ичида сув кўрди, аммо Сулаймон аскарлари кўринмас эди. Узоқдан бир тоғ кўрди. Токка бориб кўнди. У ерда бир Худхудни кўрди, ундан номини сўради. У Акбо номли Худхуд эди. Сулаймон Худхудининг номи Яъқуб эди. Сабаъ маликаси Билкис юртидан эди. Акбо Яъқубни ўз кавмига олиб боради. Яъқуб гоят гўзал, шон-шавкатли Билкисни кўради. Улар куёшга сажда қилар эдилар.

Киссада Сулаймоннинг (алайхиссалом) Билкисга мактуб йўллаши, Билкис аъёнлари билан маслахат килиб, Сулаймонга мол-дунё юборгани, пайгамбар мол-дунёга парво килмай, маликани ўз саройига чорлагани айтилган.

Сод сурасининг 34-оятида бундай дейилган: «Батахкик, Биз Сулаймонни синадик. Унинг курсисига жасадни ташладик. Сўнгра у тавба килди».

Имом Бухорий ривоят килган хадисда бундай фикр бор: «Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) айтадилар: «Сулаймон, бу кеча етмиш аёлни айланиб чикаман, уларнинг хар бири Аллох йўлида курашадиган чавандоз тугади», деди. Иншааллох, демади. Бас, у аёлларни айланиб чикци. Улардан биргина аёл хомиладор бўлиб, яримта (чала) бола ташлади. У иншааллох, деганда уларнинг хаммаси чавандоз бўлиб, Аллох йўлида курашар эдилар».

Шунда Сулаймон (алайхиссалом) гаи нимада эканини тўла англаб етади. У ҳеч қачон Аллох зикридан бошка нарсага кўнгил бермасликка ва иншааллох демасдан бирор иш килмасликка қарор берди.

Сулаймонга (алайхиссалом) мурожаат, унинг тимсолини яратиш насрий асарлардагина бўлмасдан назмда ҳам кўп учрайди. Маълумки, ўтмишда яратилган асарларнинг дебоча қисмида мадхия боби мавжуд бўлиб, бу бобда ҳукмдорлар ёки шу асарни яратишга моддий кўмак берган киши мадх этилган. Аксар асарларда ўша ҳукмдорлар мадхида Сулаймон пайгамбарга қиёс учрайди. Хоразмийнинг «Мухаббатнома» асари Мухаммадхўжа кўмагида ёзилган. Шунинг учун Хоразмий Мухаммадхўжани мадх этар экан, уни Сулаймонга, Юсуфга (алайхимуссалом) қиёс этади:

Сулаймон салтанатлик подшосен,
Масих анфолик, Юсуф ликосен.

Хоразмий бу дунёнинг ўткинчи эканини ёзар экан, шунча шон-шавкатга эга бўлган Сулаймон (алайхиссалом) ҳам бу дунёдан ўтганини келтиради:

Ким ҳеч кишига колмади бу бевафо карн,
Дунё сенга колурму, Сулаймонга колмади.

Камол Хўжандий «Латофатнома» асарида Махмуд Тархон мадҳида Сулаймон пайгамбар ва ҷумоли хикоясидан фойдаланган:

Вале мўр келтурди ярокин,
Сулаймонга чевуртканинг аёкин.
Сулаймонтек эрур жоҳу жамолинг,
Хўжанд айтса, заиф бўлсун чу молинг.

Маълумки, Сулаймонга (алайхиссалом) девлар бўйсуннишган. Хофиз Хоразмий газалларининг бирида Сулаймон замони «илгига тегишини» орзу қилади:

Деву дад барчаси фармонинки тутгай эрдилар,
Илгима текса Сулаймони замондин хотаме.

Аллох Сулаймонга (алайхиссалом) елнй бўйсундирганки, унинг тахтини ел кўтариб юради. Девлар, парилар унга тобе килинган. Саккокий ана шу маълумотлардан фойдаланган холда Улугбекка аталган касидасида Улугбек замонини Сулаймон (алайхиссалом) замониға ўхшатади:

Жахондин Ахраман кетиб, мусаххар бўлгай инсу жин, Ким уш тахтин ел кўтариб,
Сулаймони замон келди.
Атойи ёр билан кечган бир замонни Сулаймон мулкидек, Нух умридек деб таърифлайди:
Ёр сочларини сабо тўзгитса, Сулаймон лашкаридек беҳисоб кўриниб, унинг «гул-гули» оламини тутди:

Сулаймон мулкидур хам Нух умри Санинг бирла кечурган бир замоним.
Сабо девори зулфингдан ўтарда Сулаймон лашкарининг гул-гулидур.
Огахий Сулаймон пайгамбар сингари тахтни шамол устига куриб, оламини сайр этганларга бу дунёнинг ўткинчи эканини уқтиради:

Хоки танинг барбод ўлур охир жахонда неча йил Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг куруб бод устина.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

"Мумтоз адабиётда диний-маърифий мавзулар" китобидан